O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 22 декабрь, № 249 (4148) Жума

БУЮК КЕЛАЖАКНИНГ ЖАРАНГДОР ОВОЗЛАРИ



Кеча пойтахтимиздаги "Халқлар дўстлиги" саройида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган "Келажак овози — 2006" Республика ёшлар танловининг якуний босқичи ғолиблари аниқланди.

Муҳташам саройнинг улкан залига минглаб ёшлар, жумладан, ўз иқтидори, истеъдоди билан юртимиз довруғини дунёга танитаётган йигит-қизлар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари йиғилишган. Бу авлоднинг қалбида бахтиёрлик, эртанги куннинг муносиб фарзандлари бўлиш ҳисси жўш ураётганлигини шундоқ юз-кўзидан билиш мумкин. Саҳнада "Келажак овози" танловининг республика босқичига йўл олган 280 нафар иқтидорли йигит-қиз пайдо бўлади. Танловнинг финал босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими очиқ, дея эълон қилингандан сўнг даставвал, мамлакатимиз Давлат мадҳияси янграйди. Унга барча иштирокчилару меҳмонлар жўр бўлишади.

Иккинчи маротаба ўтказилаётган "Келажак овози" танлови қисқа вақт ичида жўшқин қалбли ёшларни кашф этди. Ёшларнинг ташаббускорлигини, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, илм-фан соҳасида етук касб эгаси бўлиб етишишларида қанот вазифасини ўтаётган мазкур танлов олдига қўйган вазифаларни юқори даражада бажараётганлигини таъкидлаш лозим, албатта.

Ташкил этилганига қисқа вақт бўлганига қарамай "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси миллий маданиятимиз ва санъатимизни юртимиз ҳамда хорижда фаол тарғиб этувчи ташкилот сифатида эътибор қозонди. Мамлакатимиз ёшлари орасида оммалашиб бораётган бир қатор танлов ва фестиваллар бунинг яққол тасдиғидир. Шу ўринда жамғарма томонидан ёшлар учун ташкиллаштирилаётган "Таълим грантлари дастури", "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали, "Иқтидорли талабалар стипендиялари дастури", "Навқирон Ўзбекистон" каби қатор лойиҳалар ёш истеъдод соҳибларини кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш имконини бермоқда.

"Келажак овози" Республика ёшлар танловининг ўтган йилги босқичида уч мингдан ортиқ ёшлар иштирок эт-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг навбатдаги мажлисида Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ҳамда унинг Тошкент ва Жиззах вилоятлари бўйича ҳудудий бошқармаларида "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилишини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Мазкур идора ва унинг ҳудудий бошқармаларининг бу соҳадаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралда бўлиб ўтган йиғилишидаги маърузасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-335-сонли ва 2006 йил 10 июлдаги "2006-2008 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисида"ги ПҚ-407-сонли қарорларида белгилаб берилган вазифалар нуқтаи назаридан танқидий таҳлил қилинди.

Сенат қўмитасининг мажлисида ишчи гуруҳ аъзолари, ушбу идора, шунингдек, унинг ҳудудий бошқармалари раҳбарлари ва мансабдор шахсларининг ахбороти тингланди, юқорида тилга олинган қонун талабларига мувофиқ мулк шаклларини ўзгартиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш борасида кўп ишлар амалга оширилгани, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган муайян ишлар амалга оширилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Қонун қабул қилинганидан бери 84,0 мингдан кўпроқ давлат корхонаси ва объекти хусусийлаштирилиб, уларда 940 минг нафардан ортиқ жисмоний шахс қимматли қоғозларнинг эгалари бўлди.

Шу билан бирга сенаторлар амалга оширилаётган ишларда муайян камчиликлар ҳам мавжудлигини қайд этдилар. Давлат мулки бўлган объектни, уни сотишга тайёрлаш шарт-шароитларини етарли даражада тўлиқ ўрганмаслик ва баҳоламаслик ҳоллари давом этмоқда. Инвестиция мажбуриятларини бажариш шарти билан хусусийлаштирилган корхоналарни мониторинг қилиш ва қўллаб-қувватлаш тизими инвестиция мажбуриятларини такомиллаштиришни ва молиявий барқарорликни ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмлари ва сифати ўсишини таъминлашда уларнинг рағбатлантирувчи ролини оширишни талаб қилмоқда. Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларида ошкоралик, адолат ва самарадорлик тамойилларига, шунингдек, хусусийлаштирилган корхоналар ва объектларда мулкни корпоратив бошқариш қоидалари ва талабларига ҳамма вақт ҳам риоя этилаётгани йўқ.

Мажлисда бозор ислоҳотларининг чуқурлашуви мулкни сақлашга ҳамда уни тасарруф этиш, унга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш шаклларига янги талаблар қўяётганлиги, бу эса мазкур қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқишни зарур қилиб қўяётганлиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Шу муносабат билан мажлис қатнашчилари бир қатор таклиф ва тавсияларни баён этишди.

Муҳокама якунида тегишли қарор қабул қилинди.

Қўмита мажлисида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, шунингдек, бошқа манфаатдор давлат бошқарув органлари ҳамда нодавлат муассасаларининг вакиллари, экспертлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

«Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга, Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А.Тўхташев тақдим этди. Депутатлар ҳужжатни муҳокама қилиш жараёнида тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар.

Муҳокамага учинчи ўқишда киритилган «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси А.Рустамов маъруза қилди. Муҳокама чоғида депутатлар соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш ва аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларни рўёбга чиқариш учун ушбу ҳужжатни қабул қилиш муҳимлигини таъкидлаб, қонун лойиҳасининг айрим нормаларидаги бир қатор камчиликларни кўрсатиб ўтдилар. Тушган таклифлар инобатга олинган ҳолда, қонун лойиҳаси муҳокамасини кўрсатиб ўтилган камчиликлар бартараф этилганидан кейин давом эттиришга қарор қилинди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А.Жумаев «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Бўлиб ўтган моддама-модда муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

«Бюджет тизими тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси П.Жўраев маъруза қилди. Савол-жавоблардан кейин ҳужжат моддама-модда муҳокама қилинди, унда депутатлар қонун лойиҳасининг айрим нормалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Киритилган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда, қонун лойиҳаси муҳокамасини таъкидлаб ўтилган камчиликлар бартараф этилгандан сўнг давом эттиришга қарор қилинди.

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси М.Маҳкамов тақдим этди. Моддама-модда муҳокама чоғида депутатлар қонун лойиҳаси нормаларини маъқуллади-лар. Қонун киритилган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди.

Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг аъзоси А.Эшмуродовнинг маърузаси бўйича депутатлар «Журналистнинг касб фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишга киришдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлиси 25 декабрь куни давом эттирилади.

Америка экспертлари Ўзбекистон Президентининг қонунчилик ташаббуси тўғрисида

Шу йил 20 декабрь куни Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонасида «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисидаги» қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда АҚШ етакчи академик ва эксперт-таҳлил марказларининг, ноҳукумат ташкилотлари, жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг мазкур ташаббусини қутлар экан, **Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик бўйича Америка ассоциацияси президенти Борис Пинкус** ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг демократик жамият қуриш йўлидан изчил ҳаракатланаётганидан далолат берувчи кўрсаткич эканини таъкидлади. У мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган воқеаларни кўпинча салбий нуқтаи назардан ёритишга ҳаракат қилаётган Ғарб оммавий ахборот воситаларини, жумладан, АҚШ ОАВни жиддий танқид остига олди. Шу муносабат билан Б.Пинкус Америка ижтимоий-сиёсий, академик ва эксперт-таҳлил гуруҳларининг вакилларини Ўзбекистонга кўмаклашишда ҳамда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари диққатини мамлакат эришган ютуқ-муваффақиятларга қаратишда фаол иштирок этишга чақирди.

Қонун лойиҳаси асосий қоидаларини шарҳлар экан, Б.Пинкус Ўзбекистонда демократлаштиришнинг шарт-шароит ва сурьатлари Ғарб мамлакатлари тажрибасидан фарқ қилишини қайд этди. Бироқ, муҳими шундаки, бу жараён республика ижтимоий-сиёсий тараққиётининг аниқ-равшан реалликларини ўзида акс эттиради. Бу, аввало, парламентда партиялар ва улар фракцияларининг масъулиятини кучайтириш, сиёсий қарорлар қабул қилинишида сайловчилар таъсирини, бу жараёнда фуқаролар иштирокини кучайтириш, ҳукумат фаолияти устидан демократик назоратни амалга ошириш заруратида намоён бўлади. «Асрлар давомида сиёсий қурилишнинг патерналист (оила ва жамиятда ота ўрни муҳимлиги) модели ҳукмрон бўлган Марказий Осиё давлатларидаги мусулмон жамоалар шароитларида буни олдинга ташланган ҳақиқий муҳим қадам, деб ҳисоблаш мумкин», дея баён қилди у.

Жон Хопкинс университети ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси Фредерик Старрнинг қайд этишича, Ўзбекистон раҳбарининг мазкур ташаббуси мамлакатда ижтимоий-сиёсий ҳаётни янада эркинлаштириш ва сиёсий партиялар ўрнини мустаҳкамлашда кенг имкониятлар очади. Мамлакатдаги конституциявий ва сиёсий ислоҳотларнинг концептуал жиҳатларига ноғарбий жамиятларнинг замонавий сиёсий модернизациялашуви нуқтаи назаридан қарамаслик мумкин эмас. Бу ҳолат кейинги ўн йилликда Марказий Осиёдаги ёш мустақил давлатлар ўзининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш йўлини қидиришининг долзарблиги муносабати билан жуда муҳим. Бу аниқ тарихий шарт-шароитларда шаклланган маданий қадриятларни, ўзига хослик ва сиёсий маданиятни асраб қолишга йўналтирилгандир.

Карнеги жамғармасининг етакчи эксперти Марта Олкотт қуйидаги жиҳатларни таъкидлади:

— Қонун лойиҳасида ўзбек жамиятини либераллаштиришнинг янги механизми ўз ифодасини топган ва бу ташаббус ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун асос бўлиши мумкин. Конституциявий қонун лойиҳасида муҳолифатдаги партияларнинг қонунчилик ҳужжатлари муҳокамасида иштирок этиши ҳамда у ёки бу масала юзасидан норози бўлган тақдирда улар томонидан муқобил қонун лойиҳалари тақдим этилиши мумкинлигини акс эттирган моддаларнинг мавжудлиги жуда муҳимдир. Бу «тийилиш ва посанги» тизими тамойилларининг янада мустаҳкамланишида бебаҳо аҳамиятга эгадир, — деди америкалик эксперт.

Давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Конституциявий ташаббуслари ўз вақтида киритилгани ва унинг ташаббуслари долзарб эканини таъкидлашгани ҳолда қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини қўллаб-қувватлашди.

«Жаҳон» АА
Вашингтон.

Ғолиблар тақдирланди

Жаҳондаги муҳташам спорт саройларида байроғимиз кўтарилиб, мадҳиямиз янграганда қалбимиз фахрга тўлади.

Ўз юрти шарафини дунёда улуғлаётганлар орасида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида таҳсил олган талабалар кўпчиликни ташкил этади. Яқинда Дохада якунланган Осиё ўйинларида олтин медаллар совриндори бўлган Севара ва Зарина Ғаниева (академик эшкак эшиш), Юлия Борзова (байдарка ва каноэда эшкак эшиш), Рустам Саидов (бокс)лар ҳам мазкур институтда таълим олишган. Серик Мирбеков, Леонид Андреев, Максим Кирьянов ва Рустам Мирзадиёровларга бугун тенгдошлари ҳавас билан қарашади. Чунки, улар ҳам акалари сингари Осиё ўйинларида муваффақиятли қатнашиб, совриндорлар сафидан жой олишди. Кеча институтда ғолиб спортчиларни тақдирлаш маросими бўлди.

— Жаҳонда спорт тезлик билан ривожланиб бораяпти, —дейди Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Эркин Қуттибоев. — Демак, энди давр мусобақаларга тайёргарлик кўриш жараёнида нафақат жисмоний, балки илмий жиҳатдан ҳам ёндашишимиз лозимлигини кўрсатмоқда.

Тадбир сўнгида ғолиб спортчиларга фахрий ёрлиқ ва мукофотлар топширилди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Т. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Фарғонада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлди.

Мамлакатимизда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада сўнгги йилларда қабул қилинган ҳужжатларда аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлаш долзарб вазифа эканини кўрсатиб ўтилган.

Йиғилишда вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан мазкур ҳужжатлар асосида сезиларли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Маҳаллаларда, ташкилот ва корхоналарда хотин-қизларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги яққол сезилаётир. Хусусан, мазкур Фармон асосида фаолият бошлаган диний — маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар жойларда изчил тарғибот ишлари олиб бормоқда. Шаҳар ва туманларда бевосита хотин-қизлар қўмиталари томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, бандликни таъминлаш, аёллар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш масалалари юзасидан муайян ишлар бажарилмоқда. Вилоят бўйича жорий йилда 25 790 иш жойи яратилгани ҳам ана шу ишлар самарасидир.

Шу билан бирга ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Фарғона, Қувасой шаҳарлари, Олтиариқ, Бағдод, Фурқат, Ўзбекистон, Риштон, Қува туманларида хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик ва бошқа иллатлар кўпайиб бораётгани таассуф билан қайд этилди. Баъзи шаҳар ва туманларда соғлом оила, юксак ахлоқий ва маънавий муҳитни шакллантириш юзасидан олиб борилаётган ишлар кутилган самарани бермаяпти. Хотин-қизларни иш билан таъминлашда, касаначиликни ривожлантиришда ҳам бир қатор муаммолар мавжуд. Йиғилишда ана шу каби муаммоларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова, Фарғона вилояти ҳокими А.Абдуллаев иштирок этди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

Саноат хавфсизлигининг қонуний кафолати

Мамлакатимизда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг йилдан-йилга ошиши ушбу соҳанинг жадал ривожланаётганидан далолат беради. Зеро, саноатнинг модернизацияланаётгани, янги заводларнинг ишга тушиши, темир йўл, нефть-газ ва бошқа тармоқларда бир қанча йирик лойиҳаларнинг амалга оширилаётгани соҳадаги ислоҳотларнинг яққол далилидир.

Бу, албатта, қувонарли ҳол. Аммо, саноатда технологиянинг мураккаблашиши, кенг кўламдаги кимёвий моддаларнинг қўлланилиши, мавжуд бўлган хавфли ишлаб чиқариш объектларининг шахс ва жамият манфаатларига таҳдид солиши барчамизни огоҳ бўлишга даъват этади. Чунки саноат қанча ривожланаверса, унда содир этилиши мумкин бўлган аварияларнинг эҳтимоли, афсуски, шунча кўпаяверади.

Шу ўринда мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, 1984 йил 3 декабрда Ҳиндистондаги пастицидлар ишлаб чиқарувчи "Юнион Карбайд" фирмасидаги авария 43 тонна заҳарли газнинг очиқ ҳавога чиқишига олиб келди. Оқибатда 3 минг киши ҳалок бўлди, 200 минг киши жиддий жароҳат олди. 1984 йил 19 ноябрда Мексикадаги суюлтирилган газ омборидаги портлаш 500 кишининг ҳалок бўлишига ва 7 минг кишининг жароҳат олишига сабаб бўлди. 1989 йил 3 июнда Бошқирдистоннинг Илийск районида диаметри 720 миллиметр бўлган газ қувурининг портлаши тасодифан авария зонасига тўғри келган иккита йўловчи ташувчи поездларнинг тўқнашувига ва 573 кишининг ҳалок бўлишига, 623 кишининг эса жароҳатланишига олиб келди.

Саноатда рўй берган йирик аварияларга жаҳон ҳамжамиятининг жиддий эътибори илк бор 1970-1980 йилларда Севазо ва Фликсбородаги кимё корхоналарида авария юз бергандан сўнггина қаратилди. Бунда юзлаб одамлар жабрландилар, табиатга ўнглаб бўлмас даражада зарар етказилди, авария оқибатини бартараф этишга жуда катта миқдорда маблағ сарфланди.

Бу каби аварияларнинг Европа мамлакатлари ҳамжамиятини йирик аварияларнинг олдини олишнинг қонуний чорасини яратишга ундади. 1982 йилда қабул қилинган "Йирик саноат аварияларини олдини олиш тўғрисида"ги Севазо Директиваси халқаро ҳуқуқшуносликда янги йўналиш яратди. Мазкур Директива, эҳтимоли бўлган ҳалокатларга тайёргарликни таъминлаш чора-тадбирларини кўришни корхоналарга, унинг талабларига риоя этилиши устидан назоратини эса махсус давлат органларига юклади.

Юз берган аварияларнинг ва бахтсиз ҳодисаларнинг кўрсаткичи ҳозирги кунда ҳам юқорилигича сақланиб қолмоқда. Статистик маълумотларга кўра, (республикамиздаги ҳолат бўйича) 2006 йилнинг олти ойи мобайнида Навоий тоғ-металлургия руда бошқармасига қарашли 5-сонли цех компрессорининг портлаши, "Намангансуюқгаз" ва "Газтехнопродукцион" масъулияти чекланган жамиятларидаги ёнғин натижасида автомобилларга газ қуйиш шохобчасининг портлашлари, "Фарғонаазот" очиқ акциядорлик жамиятидаги юқори босимли қувурнинг портлаши инсонларнинг жароҳатланишига олиб келди ва иқтисодга моддий зарар етказди.

Бу объектларда йирик аварияларнинг юзага келишига бир томондан, технология регламентининг бузилиши, ишлаш мумкин бўлмаган маънан эскирган асбоб-ускуналардан фойдаланиш, технологик ускуналарни ўз вақтида таъмирламаслик, чуқур ўйланмаган лойиҳа ва техник ечимларнинг қўлланилиши бўлса, иккинчи томондан, бозор муносабатларининг шаклланиши, ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулкка ўтиши жараёнида иттифоқ даврида қолган ва амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мос бўлмаган норматив база сабаб бўлмоқда. Бундай хавф-хатардан шахс ва жамиятни ҳимоялаш ҳозирги шароитда долзарб масалалардан бирига айланган. Шу сабабли, давлатимизнинг саноат хавфсизлиги билан боғлиқ Халқаро Конвенцияларга қўшилганлиги "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ишлаб чиқишни тақозо этди. Сенат томонидан маъқулланган ушбу Қонунга мамлакатимиз Президенти шу йилнинг 28 сентябрида имзо чекди, мазкур ҳуқуқий ҳужжат, расмий эълон қилинди ва кучга кирди.

Депутат сўзи

Қонун, айтиш жоизки, инсоннинг ҳаётий манфаатларини хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги аварияларнинг ва уларнинг оқибатларидан ҳимоялайдиган нормаларни ўзида мужассам этган бўлиб, амалдаги саноат хавфсизлигига оид норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ва чет элдаги мавжуд тажрибаларни ўрганиш асосида яратилди.

Саноатда мавжуд объектлар ичидан хавфли ёки хавфли бўлмаган ишлаб чиқариш объектлари шу вақтгача ажратилмас эди. Қонунда хавфли объектлар жумласига портлаш-ёнғин хавфи бўлган, маълум даражада зарарли моддалар билан ишлайдиган, юқори босимли ускуналар билан ишлайдиган, кўчмас асосга ўрнатилган юк кўтариш механизмлари, металл эритмалари олинадиган ва тоғ-кон қазиб чиқариш корхоналари ёки уларнинг цехлари, участкалари, майдончалари ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари кириши кўрсатилган. Бундан ташқари, кучга кирган ҳуқуқий ҳужжат юқоридаги ноқулайликларни бартараф этиб, жамият ва шахсни хавфли ишлаб чиқариш объектлари фаолияти жараёнида юзага келиши мумкин бўлган хавф-таҳдиддан ҳимоялаш, саноатда кучлар ва маблағ воситаларини бирлаштириш асосида жамоатчилик учун қулай шарт-шароитни таъминлашнинг ҳуқуқий нормаларини белгилаб беради ва саноат хавфсизлигининг ижтимоий жиҳатдан мақбул бўлган даражасини таъминлашни кафолатлайди.

Шунингдек, мамлакатимизда мавжуд хавфли ишлаб чиқариш объектларининг расман тан олинган сони ёки рўйхати шу вақтгача йўқ эди. Қонунда ушбу объектларни ҳисобга олиш махсус ваколатли давлат органи "Саноатконтехназорат" давлат инспекцияси томонидан давлат реестрида ҳисобга олиниши кўрсатилган. Ҳисобга олинган объектларни лойиҳалашдан бошлаб, қуриш, фойдаланиш ва тугатунича давлат томонидан тартибга солинади. Яъни, уларга саноат хавфсизлиги талаблари, раҳбар ва бошқа ишчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади, ижроси назоратга олинади, сертификатлаштирилади, лицензиялаштирилади ва экспертизадан ўтказилади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу Қонун туфайли хавфли ишлаб чиқариш объектларида аварияларнинг олдини олишнинг қонуний кафолатлари яратилди. Қонун талабларига амал қилиш эса авария ва нохуш ҳодисалардан ҳимоялаш хавфли объектлардан фойдаланувчи ташкилот ва унда ишловчи ҳар бир ходимнинг бурчидир.

Абдулла АБДУНАЗАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

БУЮК КЕЛАЖАКНИНГ ЖАРАНГДОР ОВОЗЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ган бўлса, бу йил уларнинг сони ўн мингдан ошиб кетди. Танлов муваффақиятли ўтиб, кўпчилик эътиборига тушгани боис жорий йилда Жамоатчилик Кенгаши тузилди. Унга санъат, маданият, илм-фан соҳасида етук малакага эга инсонлар киритилди. Уч босқичда ўтказилган танловда барча ҳудудларда иштирокчилар ёшлар имкон қадар жалб этилди. Келгусида эса танлов чекка жойларда яшовчи ёшларни қамраши ташкилотчилар томонидан таъкидланди.

Танловлар иштирокчиларининг мунтазам фаолият олиб боришини таъминлаш мақсадида жамғарма қошида "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказини ташкил этилди. Бугунги кунга қадар марказга уч юздан ортиқ ёшлар аъзо бўлиб кирдилар. Улар ўз ғояларини ҳаётга татбиқ этишда марказ кўмагига таянмоқдалар.

Ўн беш ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган мингдан йигит-қизлар олти номинация бўйича беллашишди. "Бадиий ва амалий санъат", "Ахборот коммуникация технологиялари", "Рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар", "Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режа", "Бадиий ижод" ҳамда "Архитектура ва дизайн" номинацияларида ёшлардан мингдан ортиқ ишлар келиб тушди.

Тантанали маросимда эстрада хонандаларидан ташқари, жамғарма томонидан кашф этилган ёшларнинг чиқишлари ҳам бўлиб ўтди. Улар орасида "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали совриндорлари Елена Ким, Асал ва Азиза каби иқтидор эгаларини кўриш мумкин.

Республика босқичига йўлланма олган 280 нафар ёшлардан 40 нафарига "Келажак овози-2006" танловининг ғолиблиги насиб этди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан энг иқтидорли, истеъдодли, дея топилган йигит-қизлар номи навбатма-навбат эълон қилинди.

— Ғолиблар қаторида борлигимни эшитиб, ҳамон ҳаяжондаман, — дейди "Архитектура ва дизайн" номинацияси совриндори Искандар Низомхўжаев. — Мукофотни олар эканман, менга билдирилаётган ишончни Ватаним олдида, Юртбошимиз олдида албатта, оқлашга ваъда бераман. Маслаҳатим тенгдошларим ўзлари эгаллаётган касбга меҳр билан киришсинлар. Шунда биз, ёшлар буюк келажакнинг жарангдор овози эканлигимизни исботлаймиз.

"Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режа" номинацияси соҳибаси бухоролик Юлия Усмонова қувонч ёшларини яширолмай, таассуротларини биз билан ўртоқлашди:

— Билимимни оширишимда ёрдамини аямаган Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат институти педагогларига, устозларимга ташаккуримни билдираман. Буларнинг барини Юртбошимиз томонидан имзоланган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг амалий ифодаси, дея биламан.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С.Иномова, Р.Қосимов иштирок этди.

"Келажак овози" Республика ёшлар танловининг финал босқичи якунланиб, муҳташам саройни тарк этарканмиз, барча ёшлар забонидан бир шиор янграрди:

Келажакнинг овозимиз,
Ҳур Ватаннинг фарзандлари.
Эркин, баланд парвозимиз,
Интиламиз бахтлар сари.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

«Тез ёрдам» ҳаракатда

Касби тумани марказий шифохонаси ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Тез ёрдам» бўлимида жарроҳ, педиатр ва терапевт мутахассислигига эга бўлган олти шифокор, 24 нафар ўрта тиббиёт ходими тумандаги 148 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Тумандаги ўта зич яшайдиган Денов, Қамаши ва Майманоқ каби қишлоқларда ҳам бўлим шохобчалари ишлаб турибди.

Бўлим ходимларининг фаол хизмат кўрсатишлари учун олтита «Дамас», битта «РАФ» ва битта «УАЗ» русумли автомашиналар доимо шай. Бундан ташқари, бу ерда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун 418 турдаги дори-дармон, кўчма ЭКГ ускунаси, сунъий нафас олдирувчи жиҳозлар мавжуд.

СУРАТЛАРДА: «Тез ёрдам» автомобиллари чақирувга доимо шай; навбатчи-шифокор Файзулла Махманазаров.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Жиззахда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва БМТ Ривожланиш дастурининг «Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш» лойиҳаси ҳамкорлигида семинар-тренинг машғулотлари ўтказилди.

Солиқ сиёсати қандай ёритилаяпти?

Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати ва солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларнинг асосий йўналишларини ОАВда малакали ёритиш мавзусига бағишланган ушбу тадбирда солиқ хизмати ходимлари, маҳаллий ва республика даврий нашрлари вакиллари ҳамда солиқ сиёсати ва қонунчилигини кенг жамоатчиликка етказишга алоқадор бўлган бошқа идоралар ходимлари иштирок этди.

Семинар-тренинг қатнашчилари «Солиқ ислоҳотларини ўтказишнинг асосий моҳияти», «Солиқ ислоҳотлари хусусий тадбиркорликни ривожлантириш омили сифатида», «Солиқ маъмуриятчилиги тизими: дастлабки қадамлар ва истиқболдаги режалар» каби мавзулардаги маърузаларни тингладилар. Газета ва журналларда чоп этилган ҳамда телевидение каналларида намойиш қилинган солиқ мавзусидаги мақолалар, репортажлар ва лавҳаларни таҳлил қилдилар.

Тадбир сўнггида ташкилотчилар ва БМТ Ривожланиш дастури совринлари учун танлов эълон қилинди. 2007 йилнинг февраль ойида якунланиши кўзда тутилган мазкур танловнинг Низоми иштирокчиларга таништирилди.

Танлов Низомига кўра, солиқ сиёсати ва қонунчилигига оид хабар ва янгиликларни ҳозиржавоблик билан ёритган ҳамда соҳа ходимларининг ташаббуси, тажриба ва муаммолари баён этилган мақолалар ва кўрсатувлар тайёрлаган журналистлар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари ва дипломлари билан тақдирланадилар.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Адоват эмас, адолат енгар

Мен таҳририятга "Бухоро нефть базаси" унитар корхонасига раҳбарлик қилган кезларим бир гуруҳ шахслар қатори ноҳақ судланганим ҳақида шикоят хати йўллагандим. Шунга кўра, "Халқ сўзи"нинг ўтган йилги 30 июнь сонида "Қора бўёқ қусурлари" сарлавҳали мақола чоп этилди. Ишни газета чиқиши асосида кўрган Олий суд мен етти ҳолатдан бештаси бўйича ноқонуний равишда жазога тортилганимни, қолганлари бўйича айбсизлигимни исботловчи ҳужжатлар мавжудлигини аниқлади. Зиммамга қўйилган айбларнинг аксариятини қайта малакалаб, қуйи судлар қарорларининг қатор моддалар билан жазо тайинлаш қисмларини бекор қилди. Сўнгра амнистия тўғрисидаги Фармонни қўллаб, собиқ бош ҳисобчи Султон Жўмаев ва прораб Қурбон Самадов учаламизни жазодан озод қилди.

Шундан сўнг тергов чоғи корхонага етказилган моддий зарар деган гумон остида бўйнимга илинган 65,6 миллион сўмлик камомадни қоплаб, мени қамоқдан чиқарган қариндошларим ва дўстларим ўзлари тўлаган маблағларни қайтариб олишга аҳд қилишди. Бироқ фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди турли баҳоналарни рўкач қилиб, уларнинг даъво-аризасини қаноатлантиришни рад этди. Оқибатда қурувчилар ва таъминотчиларнинг қўшиб ёзиши-ю нархни ошириб кўрсатиши туфайли келиб

Таҳририятга хат

чиққан зарар ҳам мендан, ҳам улардан икки ҳисса қилиб ундирилганича қолаверди. Бу муаммолар "Халқ сўзи"нинг жорий йилги 2 март сонида "Мавзуга қайтиб" рукни остида ёритилган "Бир хатога икки жазоми?" мақоласидан кейингина қатъий ечим топди. Оғир дамларимда коримга яраганлар барча пулларини қайтариб олишди. "Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компанияси раҳбарияти эса суд томонидан жазодан озод қилинганимни, масъул лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилмаганимни, Жиноят кодексининг 77-моддасига кўра судланмаган ҳисобланишимни назарда тутиб, мени "Бухоро нефть базаси"нинг Қоракўл филиалига вақтинчалик раҳбар этиб тайинлади. Эндиликда аввалги ишимга тикланиш ҳақидаги аризам мутасадди идоралар томонидан ўрганилмоқда. Шунингдек, ўзимга нисбатан оқлов ҳукми чиқариш тўғрисидаги шикоятим Олий судда назорат тартибида кўрилиши кутилмоқда. Ўйлайманки, келгусида бу масалалар ҳам ижобий ҳал этилиб, ҳақиқат тўлиқ тантана қилади.

Ўзимни йиллаб қийнаган можаро газетага мурожаатимдан сўнг барҳам топгач, мен матбуот том маънода ошкоралик кўзгуси, ҳақиқат минбари эканлигига яна бир бор қатъий ишонч ҳосил қилдим. Унга ихлосим ҳар қачонгидан ортди. Шу сабабли ҳар йилгидек жамоамиз ишчи-хизматчилари билан келишиб 2007 йил учун «Халқ сўзи» газетасига оммавий равишда обуна бўлдик.

Мен кўрсатган беғараз ёрдами учун "Халқ сўзи" таҳририятига ва Олий суддагиларга чин дилдан миннатдорчилик билдираман. Уларга адолатни юзага чиқариш ва қонун устуворлигини таъминлашдек эзгу ишларида муваффақиятлар тилайман.

Зикрилло ИГАМОВ.
Бухоро.

ЮҚОРИДАН ТОПШИРИҚ БЎЛГАНМИ?..

айрим мутасаддилар ташаббус кўрсатиб ишлаш кераклигини унутишмоқда

— Кайфиятни тушириб, асабни эговлайдиган бемазагарчиликларни кўриб-билиб туриб кўрмасликка оламиз. Бу хилдаги нобакорларнинг танобини тортиб, ковушини тўғрилаб қўйиши керак бўлганлар ҳам кўникиб кетганми, уларнинг мушугини пишт дейишмайди, — деб куюнади Солижон ота. — Қачонки, юқоридан кўрсатма берилсагина, мудроқ босган кўзлар ярқ этиб очилади-ю, бирдан ҳаракатга тушиб қолинади.

Қанчалар аччиқ бўлмасин отахон ҳақ. Узоққа бормайлик, яқинда Республика Вазирлар Маҳкамасида спирт, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сотишни тартибга келтириш бўйича йиғилиш ўтказилиб, мутасаддилар олдига аниқ вазифалар қўйилганидан кейингина қўлбола ароқ тайёрлаётганларни, истеъмолга яроқсиз ичимликлар сотиб бюджетга ҳам, кишилар соғлиғига ҳам зиён етказаётганларни фош этишга киришилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бу долзарб масала кун тартибига қўйилгунга қадар маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот маҳкамалари ходимлари, солиқчилар, прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти масъуллари қўлбола ароқ савдосини касб қилиб олганларнинг кирдикорларидан хабардор эмасмидилар? Ахир бу кимсалар ёмғирдан кейин потирлаб чиққан қўзиқориндай бирдан пайдо бўлиб қолишмагандир?!

Андижон шаҳридаги «Жаҳонгир» хусусий савдо дўконидагилар 158,4 минг, «Меҳмон» фирмаси тасарруфидаги дўкон сотувчилари 252,8 минг сўмлик спиртли ичимликларни кирим ҳужжатларисиз сотувга чиқарганлар. «Тадбиркор»лардан Турсун Дадахўжаев, Омад Абдунабиев, Ноилбек Турдиевлардан ҳам спиртли ичимликлар сотиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар кўрсатилиши талаб этилганида, ер чизиб қолишди. Улар амалдаги тартиб-қоидаларни четлаб ўтиб, спиртли ичимликларни пуллаш билан шуғулланаётган бўлсалар, бир гуруҳ нафс бандалари хонадонларда ноқонуний цехлар ташкил этиб, қўлбола ароқ тайёрламоқдалар.

Вилоят бўйича 310 та савдо ва умумий овқатланиш шохобчаси спиртли ичимлик сотиш ҳуқуқига эга. Бироқ бу шохобчаларга кўплаб миқдордаги ароқ кирим ҳужжатларисиз кириб келаётир. Чунончи, ўтган йил охирида икки блок спиртли ичимлик олган дўкон йил давомида ароқ савдосини тўхтатмаганини нима билан изоҳлаш мумкин? Сабаби кундай равшан: бозорлардан арзон нархда олинган, кўп ҳолларда қўлда тайёрланган ароқлар сотилмоқда. Бу айни пайтда накд пулнинг банкдан ташқари айланишига имконият яратмоқда. Алкоголь маҳсулотлари билан ноқонуний савдо қилиш юзасидан 121 та ҳолат аниқланганги, ўзибилармон кимсалардан умумий қиймати 26.230,9 минг сўмлик 10.643 литр миқдоридаги алкоголь маҳсулотлари олиб қўйилгани фикримиз исботидир.

Жорий йилнинг октябрь ойида қўлбола цехлардан тўрттасининг фаолиятига чек қўйилди. Хўжаободлик Маҳмуджон Мамадалиев мунтазам ноқонуний ароқ тайёрлаш билан шуғулланиб келган. Унинг қўлбола цехи кўздан кечирилганда, 911 шиша ароқ, қопқоқ ёпувчи махсус мослама, юзлаб қопқоқ, ёрлиқ ва шиша идишлар мавжудлиги маълум бўлди. Шу туманда истиқомат қилувчи Ноиля Таманова, Марҳамат туманидан Адҳам Собиров, шаҳрихонлик Элёр Ашуров сингари ҳуқуқбузарларнинг суянса суянгудай тоғлари, чинорлари бордирки, ўз цехларида бемалол ароқ тайёрлашмоқда.

Одамлар чўнтагини қоқлаб, саломатлигига жиддий хавф етказаётган кимсалар катта миқдордаги алкоголь маҳсулотларини очиқдан-очиқ ташмалаб юрганлари, спиртли ичимликларни айланма йўллар орқали мамлакат ҳудудидан ташқарига чиқариб сотишга уринаётгани ундан-да ачинарли. Балиқчи қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Ё.Шералиев шу тоифадагилардан бири. У «Дамас» микроавтобусида сиғими 0,5 литрли 700 дона «Пшеничная» ароғини ҳеч бир ҳужжатсиз олиб кетаётганида тўхтатиб қолинди. Бу олғир 700 минг сўмлик маҳсулотни бозордан сотиб олганини айтди. Мутахассислар берган хулосага кўра, ароқ истеъмол қилиш учун мутлақо яроқсиз бўлиб чиқди.

Қилмиш — қидирмиш дейдилар. Қилғилиқни қилиб қўйиб, эндиликда пушаймон қилиб юрганлар қонун олдида жавоб беришлари турган гап.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қўшхабар

Қишлоқда электрон АТС

Янгиқўрғоннинг Исковот қишлоғи аҳли энди ўз хонадонидаги телефон орқали мамлакатимизнинг исталган нуқтаси, шунингдек, хориж билан тўғридан-тўғри боғлана олади. Бу ерда ўрнатилган минг рақамли янги электрон станциянинг бошқа афзалликлари ҳам талай. Энг муҳими, уланиш ва сўзлашувлар сифати тубдан яхшиланади.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг Наманган филиали мутахассислари янги станцияни 14 иш кунида ўрнатиб улгуришди. Улар ғайрати билан қўшни Бирлашган қишлоғидаги АТС ҳам қисқа фурсатда янгиланди.

Яна икки коллеж

Чортоқ туманининг Мучум қишлоғида қад ростлаган коллеж спортчилар тайёрлашга ихтисослашган. Уни жаҳон андозалари даражасида барпо этиш учун марказлашган маблағлардан 2 миллиард 250 миллион сўм сарфланди.

Иншоотнинг тақдимот маросимида қатнашганлар мазкур даргоҳда иқтидорини чархлайдиган йигит-қизлар ўзбек спорти довруғини янада кўтаришга ҳисса қўшадилар, дея ишонч билдиришди.

Чустнинг Боймоқ қишлоғида фойдаланишга топширилган коллежда эса агроиқтисодчилар таълим олишади. Бош пудратчи — «6-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари бинони қисқа фурсатда сифатли қилиб бунёд этдилар. 720 талабага мўлжалланган касб-ҳунар даргоҳидаги замонавий ўқув хоналари, лабораториялар, лингафон ва компьютер хоналарида ёшларнинг пухта билим олишлари учун шароит муҳайё.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

БМТ Бош ассамблеяси барча фуқароларни зўрлик билан гаровга олишдан ҳимоя қилувчи Халқаро конвенцияни қабул қилди. Мазкур ҳужжат аъзо давлатлар вакилларига имзолаш учун кейинги йил 6 февраль куни таклиф этилади. Конвенцияга махфий қамоқхоналарни тақиқловчи банд ҳам киритилган.

Жорж Буш мамлакат армияси сонини кўпайтирмоқчи. У бу ҳақда баёнот билан чиқди. Оқ уй раҳбари ушбу масалани кўриб чиқиш учун мудофаа вазири Роберт Гейтсга топшириқ берди.



Роман Абрамович губернаторлик лавозимидан воз кечмоқчи. У Россия президенти Владимир Путинга ўзини Чукотка автоном округи губернаторлигидан истеъфога чиқаришини сўраб, расман мурожаат қилган. Кремлдан ҳозирча Абрамовичнинг сўровига жавоб берилгани йўқ.



Уругвайнинг собиқ президенти қамоққа олинди. «Рейтер» ахборот агентлигининг хабарида айтилишича, Хуан Марии Бордаберри зўравонлик ва ўнлаб одамларнинг ўлимида айбланаяпти. Хуан 1971-76 йилларда давлатни бошқарган пайтда ўзининг сиёсий рақибларини ўлдиртириб юборган, дея гумон қилинмоқда.

Бағдодда 76 та мурда топилди. Дастлабки текширув натижаларига кўра, улар қийноқ усули билан ўлдирилган. Мазкур воқеа Ироқ пойтахтида миллий тинчлик келишуви конференцияси ўтказилгандан икки кун ўтиб рўй берди. БМТ ҳисоб-китобларига кўра, ҳар куни мамлакатда 100 нафарга яқин тинч аҳоли вакиллари қурбон бўлаяпти. Жорж Буш чоршанба куни Вашингтонда ўтказилган матбуот анжуманида АҚШ Ироқда мағлубиятга учраётганини биринчи маротаба тан олди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ТЕНДЕР САВДОЛАРИ МУДДАТИНИНГ УЗАЙТИРИЛИШИ ҲАҚИДА ХАБАРНОМА

Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдоларини ўтказувчи давлат комиссияси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги ПҚ-407-сонли қарорига мувофиқ «Ўзбеккўмир» ОАЖнинг 35,55 фоиз акциялар пакетини сотиш бўйича илгари эълон қилинган тендер савдоларида иштирок этиш учун аризаларни тақдим этиш муддати 2007 йилнинг 12 мартигача узайтирилиши ҳақида маълум қилади.

«Ўзбеккўмир» ОАЖ 35,55 фоиз акциялар пакетининг бошланғич баҳоси — **30 579 800 АҚШ долларини** ташкил этади. Тендерда «Ўзбеккўмир» ОАЖнинг 35,55 фоиз акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва корхонанинг инвестицион эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда энг юқори инвестиция мажбуриятларини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган сармоядор устунликка эга бўлади. Корхонанинг инвестицион эҳтиёжи 232 000 000 (икки юз ўттиз икки миллион) АҚШ долларини ташкил этади.

«Ўзбеккўмир» ОАЖ «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясининг таркибига кириб, Марказий Осиёда кўмир қазиб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича энг йирик корхона саналади. Корхонанинг асосий фаолияти кўмир ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш ва қайта ишлашдан иборат.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларининг нархи 2 000 АҚШ доллар қийматини ташкил этади. Ушбу тўлов қуйидаги банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Марказий операцион бўлими, валюта ҳисоб рақами 20203840900600289004 ҳамда 20203000800600289002, ИНН 201122696, банк коди 00882.
100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 101-уй.
S.W.I.F.T. коди — MBFAUZ2X.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йилнинг 12 март куни Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.

Тендер таклифлари очилиши 2007 йилнинг 12 март куни Тошкент вақти билан соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси мажлислар зали (5-қават)да амалга оширилади.

Тендер таклифларини очиш вақтида тендерда ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюроси, 100003, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси биноси, 15-қават, 15-01-хона.

Бош директор **Набиханов Саъдуллахон Хамидуллахонович эътиборига.**
Телефон: **+998 71 139-22-23.**
Факс: **+998 71 139-21-42.**
Эл. почта: **eibb@tps.uz**

NOTIFICATION ON TENDER PROLONGATION

State commission for conducting tenders on sale of the state property to the foreign investors

on the basis of the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan #PP-407 as of July 10, 2006

Informs on prolongation of the deadline for the bid submission until **March 12, 2007** for the tenders for the sale of 35.55% of shares of **JSC "Uzbekcoal"** with the starting bidding price not less than **30 579 800 (thirty million five hundred seventy nine thousands eight hundred) US Dollars.** The preference will be given to the company ready to offer the highest bid for the 35.55% of shares of the Company and undertake the highest volume of investment obligations. The needs of the Company constitute the amount of **232 000 000 (two hundred thirty two million) US Dollars.**

JSC "Uzbekcoal" is a part of state joint stock company "Uzbekenergo" and is the largest enterprise on coal mining and refining in Central Asia. The main directions of enterprise activity are mining and refining of coal and other associated minerals.

Investors interested in participating in the Tender must submit a properly completed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact to the address given below.

The package of Bidding Documentation which includes Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon presenting to Enterprise Institution Building Bureau the filled in and signed Application and Confidentiality Statement along with a copy of the proof of payment.

The price of the package of the bidding documents constitutes 2 000 (two thousands) US Dollars, which are to be transferred to the accounts stated below.

USD Account # 20203840900600289004
UZS Account # 20203000800600289002
in the Central operational department of the National Bank for FEA of the Republic of Uzbekistan,
TIN 201122696, bank code 00882
A.Timur str., 101, Tashkent, 100084
S.W.I.F.T. code: MBFAUZ2X

The Bid submission deadline expires at 12 a.m. Tashkent time on the 12th of March 2007.

Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. Tashkent time on the 12th of March 2007.

Tender participants or their authorized representatives, which have submitted Tender Bids in accordance with established procedure, have the right to participate at the opening of the packages with Tender Bids.

For all issues related to the tender, please contact:

EIBB, Enterprise Institution Building Bureau
State Property Committee Bldg., room 15.01
Uzbekistanskaya Avn., 55
100003 Tashkent, Uzbekistan

Attention: **Mr. Sa'dullakhon Nabikhanov**
Director General
Tel: **(+998 71) 139 22 23**
Fax: **(+998 71) 139 21 42**
Email: **eibb@tps.uz**

Азиз юртдошлар!
Банкимиз акциядорлари ва мижозлари!

TURON BANK

АТ «ТУРОНБАНК»



кенгаши ва бошқаруви сизларни яқинлашиб келаётган улуғ айём — Қурбон ҳайити ва кириб келаётган Янги 2007 йил билан табриклайди.

Янги 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йилида барча орзу-ниятларингиз рўёбга чиқсин ва ҳаётингиз фаровонликка тўлсин.

Буларни 2007 йилда амалга оширишда сизга «Туронбанк» ҳамроҳдир!



«Туронбанк» сизга замонавий тўлов ва қулай жамғариш воситаси — пластик карточкаларни таклиф қилади.

Пластик карточка билан сиз кундалик тўловларни маблағларингиз ўғирланишидан кафолатланган ҳолатда амалга оширишингиз мумкин.

«Туронбанк» пластик карточкаларидаги маблағлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

Пластик карточкангизга доир маълумотларнинг сир сақланишига банк кафолат беради.

«ТУРОНБАНК» СИЗ БИЛАН, СИЗ УЧУН!

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«Munitsipal Auksion Markazi»

сизларни 2007 йил 23, 30 январь ва 6, 13, 20, 27 февраль кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган қуйидаги ер участкаларига узоқ муддатли ижара ҳуқуқлари қўйилади.

Т/р	Ер участкасининг манзили, сони	Сатхи, га	Бошланғич нархи, сўм
	Бектемир тумани		
	Автомобиллар ювиш шохобчаси қуриш учун		
1.	Ҳ. Бойқаро кўчаси	0,02	30 754 268
	Савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун		
2.	Соловьев кўчаси, №1	0,02	4 074 268
3.	Соловьев кўчаси, №2	0,02	4 074 268
4.	Соловьев кўчаси, №3	0,02	4 074 268
5.	Соловьев кўчаси, №4	0,02	4 074 268
6.	Соловьев кўчаси, №5	0,02	4 074 268
7.	Соловьев кўчаси, №6	0,02	4 074 268
8.	Сувчи даҳаси, №1	0,05	4 276 890
9.	Сувчи даҳаси, №2	0,05	4 276 890
10.	Соловьев кўчаси, №1	0,015	3 027 324
	Суюлтирилган газ ёқилғи қуйиш шохобчаси қуриш учун		
11.	Лойиҳадаги Г-40,0м (Ж.Остонов) кўчаси	0,4	100 913 468
	Савдо мажмуаси қуриш учун		
12.	Оҳангарон шоҳкўчаси, Сувчи даҳаси	0,03	5 132 268
	Юнусобод тумани		
	Дўкон қуриш учун		
13.	Ҳасанбой-I, Тикланиш кўчаси	0,03	2 506 470
	Миробод тумани		
	Минимаркет қуриш учун		
14.	Тошхўжаев кўчаси	0,02	2 561 600
	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш мажмуаси қуриш учун (муҳандислик иншоотларини кўчириш шарти билан)		
15.	Бехтерев кўчаси	0,045	30 203 268
	Тўйхона ва гузар қуриш учун		
16.	Қўйлиқ даҳаси, 2-мавзе	0,2	22 796 268
	Дўкон ва офис (мавжуд томорқа ва муҳандислик иншоотларини кўчириш шарти билан)		
17.	Янги замон кўчасида 2-сон ер участкаси	0,02	3 588 968
	Ҳамза тумани		
	Ишлаб чиқариш корхонаси қуриш учун		
18.	Қорасув тор кўчаси	0,08	18 105 324
	Сергели тумани		
	Хунармандлар растаси		
19.	Чоштепа кўчасида 1-сон ер участкаси	0,009*	1 499 265
20.	Чоштепа кўчасида 2-сон ер участкаси	0,009	1 499 265
21.	Чоштепа кўчасида 3-сон ер участкаси	0,009	1 499 265
22.	Чоштепа кўчасида 4-сон ер участкаси	0,009	1 499 265
23.	Чоштепа кўчасида 5-сон ер участкаси	0,009	1 499 265
24.	Чоштепа кўчасида 6-сон ер участкаси	0,009	1 499 265
25.	Чоштепа кўчасида 7-сон ер участкаси	0,009	1 499 265
26.	Чоштепа кўчасида 8-сон ер участкаси	0,009	1 499 265
	Савдо ва овқатланиш мажмуаси		
27.	Жанубий саноат ҳудудида	0.09	8 907 324
	Савдо, маиший хизмат ва умумовқатланиш мажмуаси		
28.	Файзли кўчасида 1-сон ер участкаси	0,01	3 053 574
29.	Файзли кўчасида 2-сон ер участкаси	0,01	3 053 574
	Икки қаватли ошхона ва чойхона қуриш учун		
30.	Спутник даҳаси, 10-мавзе, Смоленск кўчаси	0,08	4 376 268
	Ошхона қуриш учун		
31.	Массон кўчаси	0,01	2 586 324
	Минимаркет		
32.	Лойиҳадаги Г-64,0 кўчаси	0,02	7 157 324

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир кун аввал тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 5 фоизи миқдорида заклат пулини савдо ташкилотчиси «Munitsipal Auksion Markazi» Халқ банки шаҳар бўлимидаги МФО 00821, СТИР 300053338, 20208000804555055001 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.

Манзил: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, М-14, 19-уй. Телефон: 144-88-04. **Гувоҳнома № 001568-09.**

Ифтихор

Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида Юртбошимиз Хоразмни азалдан дунё илм-фани ва маданиятининг йирик марказларидан бири бўлганлиги ва Хоразм аҳлининг фазилатлари ҳақида тўхталиб: "Афсуски, ана шу қадимий илм-фан марказида яратилган, ҳозирги кунда мамлакатимиз қўлёзма фондларида сақланаётган бетакрор илмий мерос ҳали-бери тўла ўрганилган эмас. Уни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, ҳозирги ва келгуси авлодларга етказиш барчамизнинг муҳим ва долзарб вазифамиз бўлмоғи керак» дегандилар.

ЗАМАХШАРДАН ПОРЛАГАН ЗИЁ



Мустақиллигимиз шарофати билан она тилимизда "Ўзбекистон — буюк алломалар юрти" деган янги иборанинг пайдо бўлганини ҳам мамнуният билан айтиш керак. Бир олам мазмун-моҳиятга эга бўлган бу ибора Ўзбекистонимизнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссаси нечоғли улкан бўлганининг ёрқин мисолидир. Мавриди келганда, бу масаланинг яна бир муҳим жиҳатини таъкидлаш лозим. Гап шундаки, илмий-маънавий, диний мазмундаги таълимотлари билан жаҳоний эҳтиромга сазовор бўлган улуғ алломалар нафақат бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган Бухоро, Самарқанд, Насаф (Қарши), Термиз, Хива, Шош (Тошкент), Кеш (Шаҳрисабз), Марғилон каби "мўйсафид" шаҳарларимиздан, балки ватанимизнинг узоқ қишлоқларию кентларидан ҳам чиққанлигини айтиш лозим. Бу фикримизга ёрқин мисол сифатида қўҳна, ўзига хос тарихга ва маданиятга эга бўлган Хоразмнинг чекка қишлоқларидан бири Замахшарда 1075 йилда таваллуд топган хоразмлик буюк алломa Маҳмуд Замахшарийни кўрсатиш мумкин.

Жисмоний ногиронлигига (бедаво иллат туфайли ёшликдан бир оёғи кесилган) қарамасдан у ўзининг беназир ақл-заковати, юксак илмий салоҳияти ва фавқулодда улкан даҳоси билан дунёни забт этган алломалардан бири саналади. Замондошлари томонидан Замахшарий ҳазратларига берилган Устоз уд-дунйо (Бутун дунёнинг устози), Устоз ул-араб вал-ажам (Араблар ва ғайри араблар устози), Фахру Хаворазм (Хоразмнинг фахри), Каъбат ул-адаб (Адаб аҳли учун бамисоли Каъба), айниқса, Жоруллоҳ (Аллоҳнинг қўшниси) каби ўта шарафли лақаблар дунёнинг биронта олимига насиб этмаганлиги эса буюк ватандошимизнинг беқиёс обрў-эътибор, ҳурмат-эҳтиромга сазовор сиймо бўлганини кўрсатади. Лекин бир қадар хижолатли бўлса-да, айтиш керакки, собиқ тузумнинг чиркин сиёсати туфайли халқимиз, кенг жамоатчилик Маҳмуд Замахшарий ва у каби кўплаб буюк зотларнинг ҳаёти ва илмий-маънавий мероси тугул уларнинг исми шарифларини ҳам аниқ билмасдилар.

Ҳаёт фалсафаси қизиқ. Бу зоти шарифларнинг ҳаёти ва мероси асрлар оша Мағрибда ҳам, Машрикда ҳам алоҳида қизиқиш ва изчиллик билан ўрганилиб, уларнинг асарлари турли тилларга таржима қилиниб, илмий тадқиқотлар амалга оширилганлиги яхши маълум. Олис хорижда ардоқланган бу алломалар қиндик қони томган ўз юртларида номаълуму нотаниш эдилар. Бошқача айтганда, улар жаҳон илму ирфон аҳлининг доимий эътиборида, энг муҳими ТИЛИДА ва ДИЛИДА бўлиб келдилар. Лекин ҳаётда АДОЛАТ, ҲАҚИҚАТ деган буюк тушунчалар ҳам борки, уларнинг, эртами-кечми қарор топишини ҳеч қандай куч тўхтата олмайди.

1990 йилда, ҳали етмиш йилдан ортиқ тарихимиз, улкан меросимиз ва муборак динимизни поймол қилиб келган шўро мафкураси "қиличини қайраб турган бир пайтда" республикамиз раҳбарининг қўллаб-қувватлаши боис термизлик буюк муҳаддис имом Абу Исо Муҳаммад Термизий таваллудининг 1200 йиллиги юртимиз миқёсида кўплаб хорижлик олимлар иштирокида кенг кўламда нишонланган эди. Ислом Каримов алломанинг юбилейи муносабати билан "Имом ат-Термизий мероси ва ҳозирги замон" мавзуида Тошкентда ўтказилган халқаро илмий анжуман қатнашчиларига юборган табригида: "Бугунги кунда имом ат-Термизийнинг маънавий меросларини нафақат аҳли дин орасида, балки дунёвий илм соҳиблари, кенг миқёсдаги аҳли жамоа орасида ҳам ўз қадрини топаётир. У кишининг шоҳ асарларидан "Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ" китоби ҳозирга қадар ҳадис илмининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Алломанинг асрлар давомида фозилу фузалоларга дастур бўлиб келган ақлу одоб, инсофу диёнат, адолату инсонпарварликни тарғиб этувчи ғоялари сердолга давримизнинг мураккаб ва зиддиятли ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишда замонавий аҳамият касб этади",- деб алоҳида таъкидлаган эдилар.

Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, бу тарздаги муҳим ишлар, яъни тарихимиз, миллий ва диний қадриятларимиз, бой ва кўҳна маънавий меросимизга муносабат, айниқса, истиқлолга эришганимиздан кейин биринчи даражали ҳаётий масалага айланди.

Кўплаб алломаларимиз каби Маҳмуд Замахшарий ҳазратларининг ҳаёти ва илмий-маънавий меросини ўрганиш ҳам мустақиллик йилларида бошланди. Жумладан, 1995 йилда Вазирлар Маҳкамаси қарори билан буюк аллома таваллудининг 920 йиллиги нишонланган эди. Шу муносабат билан Замахшарий ҳақида бир қатор рисолалар, мақолалар нашр этилди. Бир нечта илмий тадқиқотлар амалга оширилиб, диссертациялар ҳимоя қилинди. Лекин бу ишларни олтмишга яқин муҳим асарлар яратган алломанинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш борасидаги дастлабки интилишлар дейиш мумкин.

Кенг халқ оммаси, айниқса, ёш авлоднинг афсонавий салоҳиятга эга бўлган алломанинг ибратларга тўлиқ ҳаёт йўли ва қолдирган бой илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш бугунги кунда катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Замахшарий ўз она юрти Хоразмга нисбатан чексиз муҳаббати, ватанпарварлик туйғуси ва садоқатини қатор асарларида алоҳида таъкидлайди. Жумладан, "Хоразмда шунчалик кўп, беҳисоб гўзал фазилатлар мавжудки, дунёнинг бирор мамлакатида ҳам бунақасини кўрмадим", — деб зўр ифтихор ва ғурур билан "Рабийъ ал-аброр ва нусус ал-ахбор" ("Яхшилар баҳори ва хабарлар изҳори") номли Бағдодда нашр этилган тўрт жилддан иборат йирик асарида жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг яқин саҳобаларидан бири Абу Ҳурайра (у 676 йилда вафот этган) ривоят қилган муборак бир ҳадисни келтиради. Бунга кўра Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳазратлари Хоразмга таъриф бериб: "Хоразмда атиги бир кечагина тунаган инсон қандай бахтли-я! Хоразмнинг чангу ғубори теккан кишидан бахтли инсон бўлмаса керак! Хоразмда, икки ракат бўлса-да, намоз ўқиган киши қандай бахтиёр инсон-а!» деб марҳамат қилган эканлар. Сарвари оламнинг муборак бу таърифлари Хоразмни азалдан ислом олами учун ҳам нақадар азиз ва мукаррам ўлкалардан бири сифатида улуғланганлигини кўрсатади.

Шунингдек, рушди ҳидоятга бошловчи тўрт халифаларнинг (чориёрлар) иккинчиси ҳазрат Умар ибн Хаттобнинг (685-644) ўғли Абдуллоҳ ибн Умар хоразмлик бир кишидан унинг туғилган юрти ҳақида сўраганларида у: "Бизнинг Хоразмда шундай қаттиқ совуқ бўладики, агар бир киши юзини ювса, юзига теккан сув шу заҳотиёқ музлаб қолади", деди. Бундан таажжубга тушган Абдуллоҳ ибн Умар ҳазратлари: "Бундай юзларни жаннатий деб башорат беринг", деб хитоб қилган эканлар. Умуман олганда, Замахшарийнинг асарларида инсон ва иймон, одобахлоқ, тафаккурга оид муҳим масалаларга катта урғу берилади. Уларнинг олим томонидан синчковлик билан таҳлил этилгани, айниқса, диққатга сазовордир. Демак, Маҳмуд Замахшарий ҳаёти ва фаолиятига қизиқиш билан қараш ҳамма даврлар учун бирдек муҳим бўлиб қолаверади.

Убайдулла УВАТОВ,
Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси мудири, тарих фанлари доктори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

Протез-ортопедия маҳсулотлари ҳариди бўйича протез корхоналарини
тендер танловига таклиф қилади.

Танловда иштирок этиш истаги бўлган протез корхоналари вазирликнинг танлов комиссиясига қуйидаги маълумотларни тақдим этишлари лозим:
- *таклиф қилинаётган протез маҳсулотларининг мувофиқлик сифат сертификати;*
- *маҳсулотларнинг гигиеник сертификати;*
- *таклиф қилинаётган маҳсулотларнинг лаборатория ва клиник текшируви хулосалари;*
- *ишлаб чиқариш қуввати ва корхона моддий-техника базаси ҳақида маълумот;*
- *протез-ортопедия маҳсулотларини ишлаб чиқариш техник шарт-шароитлари;*
- *маҳсулот турлари ва нархи.*

Маълумотлар эълон чиққан кундан бошлаб, икки ҳафта муддат ичида қабул қилинади.

Тақдим қилинадиган барча ҳужжатлар икки нусхада, ёпиқ ҳолда, муҳрланган папкаларда қабул қилинади.

Икки ҳафта муддат тугагандан сўнг тендер танловида иштирок этиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар қабул қилинмайди.

Тендер танловига талаб қилинадиган ҳужжатларни тўлиқ тақдим қилган корхонанинг протез маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятлари ва шароитлари, тендер комиссияси аъзолари томонидан, жойига чиқиб, ўрганилиши мумкин.

Протез корхоналари талаб қилинган ҳужжатларни тендер комиссиясига тўлиқ тақдим қилганларидан сўнг тендерда қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугагандан сўнг танлов ўтказиш куни белгиланади.

Қўшимча маълумотлар учун вазирликка қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 139-88-44, 139-88-33.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

ногиронлар учун реабилитация техник воситалари (ногиронлар аравачалари, эшитиш мосламалари, ҳасса ва қўлтиқтаёқлар) ҳариди бўйича ушбу воситаларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни
тендер савдосига таклиф қилади.

Тендер савдосида иштирок этиш истаги бўлган корхоналар вазирликнинг танлов комиссиясига қуйидаги маълумотларни тақдим этишлари лозим:
- *таклиф қилинаётган реабилитация техник воситаларининг мувофиқлик сифат сертификати;*
- *маҳсулотларнинг гигиеник сертификати;*
- *таклиф қилинаётган маҳсулотларнинг лаборатория ва клиник текшируви хулосалари;*
- *корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ва моддий-техника базаси ҳақида маълумот;*
- *реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқариш техник шарт-шароитлари;*
- *маҳсулот турлари ва нархи;*
- *маҳсулотлар тайёрланадиган хомашё тури ва сифати.*

Маълумотлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ҳафта муддат ичида қабул қилинади.

Тақдим қилинадиган барча ҳужжатлар икки нусхада, ёпиқ ҳолда, муҳрланган папкаларда қабул қилинади.

Икки ҳафта муддат тугагандан сўнг тендер савдосида иштирок этиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар қабул қилинмайди.

Тендер савдосига талаб қилинадиган ҳужжатларни тўлиқ тақдим қилган корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятлари ва шароитлари, тендер комиссияси аъзолари томонидан жойига чиқиб, ўрганилиши мумкин.

Реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар талаб қилинган ҳужжатларни тендер комиссиясига тўлиқ тақдим қилганларидан сўнг, тендерда қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугагандан сўнг танлов ўтказиш куни белгиланади.

Қўшимча маълумотлар учун вазирликка қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 139-88-44, 139-88-45. Манзилимиз: Тошкент ш., Яккасарой тумани, А. Авлоний кўчаси, 20-«А» уй, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача).

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда, Мўлжал — Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Артур Таймазов дунёнинг энг яхши спортчиси бўлиши мумкин

Халқаро спорт журналистлари ассоциацияси (AIPS) 2006 йилнинг энг яхши спортчи, жамоа ва ОАВ ходимлари фаолият кўрсатиши учун яхши шароит яратилган турнирлар номинациясига номзодлар рўйхатини эълон қилди.

Спорт

Аҳамиятлиси, йилнинг энг яхши спортчилари рўйхатида ўзбекистонлик полвон Артур Таймазов ҳам бор. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Артур эркин кураш бўйича ўта оғир вазнда (120 кг.) икки карра жаҳон чемпиони бўлган. Сидней Олимпиадасида (2000 й.) кумуш, Афина Олимпиадасида (2004 й.) олтин медални қўлга киритган. Яқинда Дохада ўтган Осиё ўйинларида ҳам унга тенг келадиган рақиб топилмаганди. Бундан ташқари, ҳамюртимиз кўплаб нуфузли халқаро турнирларда шоҳсупадан жой олган.

— Мен бугунги ҳаётимни ҳеч қачон курашсиз тасаввур қила олмайман, — деган эди Артур журналистларга берган интервьюларидан бирида. — Доимо ўзимнинг медаллар жамғармани тўлдириб боришга ҳаракат қиламан. Биринчи ўриндан бошқасини ўзим учун мағлубият, деб ҳисоблайман.

Биз ҳам Артурга шу тилаклари доимо ҳамроҳ бўлишини истаймиз.

«Йилнинг энг яхши спортчиси» номинациясида Артурдан ташқари, Фернандо Алонсо (Испания, «Формула-1»), Уле-Айнар Бьорндален (Норвегия, биатлон), Жанлуиджи Буффон (Италия, футбол), Жо Кальзаге (Буюк Британия, профессионал бокс), Фабио Каннаваро (Италия, футбол), Тим Дон (Буюк Британия, триатлон), Мариан Драгулеску (Руминия, спорт гимнастикаси), Роже Федерер (Швейцария, теннис), Жильберто Жиба (Бразилия, волейбол), Ник Хайден (АҚШ, мотоспорт), Александр Овечкин (Россия, хоккей), Асафа Пауэлл (Ямайка, енгил атлетика), Бенжамин Райх (Австрия, тоғ чанғиси), Рональдино (Бразилия, футбол), Валентино Росси (Италия, мотоспорт), Михаэль Шумахер (Германия, «Формула-1»), Тайгер Вудс (АҚШ, гольф), Зайниддин Зидан (Франция, футбол) каби таниқли спорт юлдузлари номлари қайд этилган.

З.ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши капитал қурилиш бошқармаси

қуйидаги иншоотга ташкилотни танлаш бўйича
танлов савдосини эълон қилади:

«Навоий вилояти Хатирчи тумани «Олтинсой» фермер хўжалигидаги шифохона биносини 80 ётоқ ўринли сиҳатгоҳга қайта қуриш».

Қурилишни якунлаш муддати — 12 ой.
Буюртмачи — Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши капитал қурилиш бошқармаси.
Манзил: Тошкент шаҳри, Мўйноқ кўчаси, 4-тор кўча, 15-«А» уй. Телефон: 98-68-85.

Қурилиш ишларини молиялаштириш ҳомий ташкилотлар ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).*

Танлов савдоларида қатнашиш талабгорига буюртмачи томонидан белгиланган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — ***Навоий шаҳри, С. Айний кўчаси, 32-уйда жойлашган Навоий вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Телефон/факс: (436) 225-53-85.***

Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 26 декабрь, сешанба куни чиқади).

ЎЗБЕКИСТОН САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (ЎзСПЭ ва КИТИ)

2007 йил аспирантурага кириш учун
06.01.06 «Сабзавотчилик» мутахассислиги бўйича
қабул эълон қилади.

Қабул муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилда қабул қилинади: 111106, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Кўксарой а/б, ЎзСПЭ ва КИТИ. Телефон: 139-94-61.

МАХСУС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН ЙЎЛ СТАНЦИЯСИ

ISO 9001:2000 халқаро стандарти бўйича сертификациялашдан олдин ва сертификациялаш аудити ўтказиш бўйича тендер эълон қилади.

Асосий талаблар:
- *«Ўздавстандарт» агентлиги аккредитацияси бўлиши;*
- *аудиторлар IRCAда рўйхатдан ўтган бўлиши;*
- *Европа мамлакатларида аккредитациядан ўтган бўлишлари керак.*

Ўтказилган аудит учун тўлов — миллий валютада.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Бехтерев кўчаси, 113/10. Тел./факс: 199-79-83.

Тошкент фармацевтика институти жамоаси кутубхона мудири Вера Дмитриенкога турмуш ўртоғи **Александр ВОРОПАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1457. 20731 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5